MAY

2022

# TA'LIM FIDOYILARI

## RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI



Google Scholar

CiteFactor
Academic Scientific Journals

CYBERLENINKA

IJIFACTOR INDEXING

***REANDPUB.UZ***

«RESEARCH AND PUBLICATIONS»
ILMIY NASHRLAR MARKAZI

# «TA'LIM FIDOYILARI»

# ILMIY-USLUBIY JURNALI

## BARCHA SOHALAR BO'YICHA

**5-SON, 2-JILD MAY 2022 1-QISM**

Google Scholar OpenAIRE CYBERLENINKA doi

| | | |
|---|---|---|
| 23 | GIPOTIREOZ KECHISHINING HOMILADORLIKDA O'ZIGA XOSLIGI<br>Исломов.Ж..Б., Шамансурова З.М., Исмаилов С.И. | 136 |
| 24 | МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШ ТУРЛАРИ ВА<br>УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ<br>Кучкаров Улугбек Лочинбекович | 149 |
| 25 | BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA DIDAKTIK<br>O'YINLARDAN FOYDALANISH ORQALI MATEMATIK<br>KOMPETENTSIYALARNI SHAKLLANTIRISH<br>Xidirova O'g'ilnoz Xurramovna | 155 |
| 26 | BOOSHLANG'ICH SINF ONA TILI DARSLARIDA<br>O'QUVCHILARNI IJODIY FIKRLASHGA O'RGATISH<br>Karimova Mohidil Mutallibovna | 160 |
| 27 | BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING IJODKORLIGINI SHAKLLANTIRISH<br>BERDIQULOVA DILDORA | 164 |
| 28 | O'QUVCHILARDA DEVIANT XULQ ME'YORIDAN OG'ISHINI<br>TARBIYALASHDA OILA BILAN HAMKORLIKNI<br>TAKOMILLASHTIRISH TEXNOLOGIYALARI<br>Toshboyeva Farida Abduhalilovna | 169 |
| 29 | ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ<br>РИВОЖЛАНТИРИШ<br>Солихова Шахноза Бахтиёр қизи | 174 |
| 30 | BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA – PEDAGOGIK<br>FAOLIYATNING AHAMIYATI<br>Aliqulova Durdona Elmurod qizi | 179 |
| 31 | O'ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HISOBOTLARNI TAQDIM ETISHDA<br>XALQARO STANDARTLARGA O'TISH<br>Sobirov Muxammadali Yunusali o'g'li | 186 |
| 32 | Bolalar va o`smirlar jismoniy tarbiyasi tizimida yengil atletika<br>mashg`ulotlarini olib borishning pedagogik asoslari<br>Ibrohimova Iqbolxon | 190 |
| 33 | Umumiy o`rta ta`lim makatbida yengil atletika bilan shug`ullanuvchi<br>qizlarda tezlik sifatini rivojlantirish uslibiyoti.<br>Ibrohimova Iqbolxon | 198 |
| 34 | KO'P HUJAYRALI ORGANIZMLARNING KELIB CHIQISHI HAQIDAGI ASOSIY NAZARIYALAR<br>Ashirova Shahnoza Nig'matillayevna | 205 |
| 35 | Ўзбекистонда таълим тўғрисида амалга оширилаётган ислоҳатлар<br>Тўраева Ҳабиба Тошбоевна<br>Ибодов Шохжаҳон Рашид ўғли<br>Бахриддинова Ҳусниимоҳпошшо Нуриддин қизи | 211 |
| 36 | LINGUISTIC FEATURES OF PHONETIC PROCESSES IN THE<br>ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES<br>Khamidova Dilnoza Khudoiberdievna | 218 |
| 37 | ТЕХНОЛОГИЯ УРОВНЕВОЙ ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ ПРИ<br>ИЗУЧЕНИИ РОМАНА И.С.ТУРГЕНЕВА «ОТЦЫ И ДЕТИ»<br>М.Э.Рахимова | 223 |
| 38 | TECHNOLOGY OF LEVEL DIFFERENTIATION IN THE STUDY OF I.S.<br>TURGENEV'S NOVEL "FATHERS AND CHILDREN"<br>M.E. Rakhimova | 231 |
| 39 | Texnologiya ta'limida o`quvchilarni psixologik tayyorgarligi<br>Maraziqova Munojat Xoldarovna | 235 |
| 40 | SUYUQLIKLARDAN ELEKTR TOKI O'TISHI.ELEKTOLIZ HODISASI.<br>Ibragimov Laziz Utkirovich | 239 |
| 41 | MATEMATIKA DARSLARIDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH<br>Xalbayev Nurbek Oybek o`g`li | 251 |
| 42 | Boshlang'ich sinf matematika darslarida<br>interfaol metodlardan foydalanish va ularning<br>samaradorligi Kurbanova Zumrad Yuldashovna | 254 |
| 43 | ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР МУАММОЛАРИНИ<br>БАРТАРАФ ЭТИШДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ | 259 |
| 44 | РАЗВИТИЕ АКТИВНОСТИ И ТВОРЧЕСКОЙ САМОСТОЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ<br>В СОВРЕМЕННОМ УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ<br>Нуржанова Замира Халимжановна | 268 |
| 45 | РАЗВИТИЕ РЕЧИ УЧАЩИХСЯ УЗБЕКСКИХ ШКОЛ ПРИ ПОМОЩИ СЛОВАРЕЙ НА<br>УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА<br>Халипова Севинч Рамилевна | 267 |

TA'LIM FIDOYILARI
REANDPUB.COM
ISSN: 2180-2130
VOL.1, ISSUE 1
MAY (2022)

# Ўзбекистонда таълим тўғрисида амалга оширилаётган ислоҳатлар

**Тўраева Ҳабиба Тошбобоевна**

**Тошкент давлат аграр университети ассистенти**

**Ибодов Шохжаҳон Рашид ўғли**

**ТДАУ талабаси**

**Бахриддинова Ҳусинимоҳпошшо Нуриддин қизи**

**ТДАУ талабаси**

**Аннатосия:** Ушбу мақолада педагогик технологияларни тизимлаштириш ва умумлаштиришга уринишлар ушбу муаммони ҳал этмайди. Таълим мазмунини янада такомиллаштириш олий мактабда ўқув жараёни янги технологик муаммоларни қўйишни ва ҳал етишни талаб этади. Ушбу мақола ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг оммабоп ва самарали усули кластерни тузишга қаратилади, унинг хусусияти танқидий фикрларни ривожлантиради.

**Калит сўзлар:** методологик, психологик, модел, кластер, амалий, тадбиркорлик.

**Аннотация:** Попытки систематизировать и обобщить педагогические технологии в данной статье не решают этой проблемы. Дальнейшее совершенствование содержания образования в процессе высшего образования требует внедрения и решения новых технологических задач. В данной статье речь пойдет о создании кластера, наиболее популярном и эффективном способе организации процесса обучения, особенностью которого является развитие критического мышления.

**Ключевые слова:** методологическая, психологическая, модель, кластер, практическая, предпринимательская.

**Annotation:** Attempts to systematize and generalize pedagogical technologies in this article do not solve this problem. Further improvement of the content of education in the higher education process requires the introduction and solution of new technological problems. This article focuses on creating a cluster, the most popular and effective way to organize the learning process, the feature of which is to develop critical thinking.

**Keywords:** methodological, psychological, model, cluster, practical, entrepreneurial.

Олий таълимдаги ислоҳотлар замонавий босқичи демократик юксак ривож-ланган мамлакатлар даражасида Ўзбекистоннинг илғор илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга қодир ва маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга ега юксак малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашни талаб этади. Олий мактабда таълим мазмуни мутахассислар шахсини ривожлантириш, йилларнинг чуқур фундаментал билимларини ва амалий тайёргарликларининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Олий мактабда таълимнинг янги мазмуни замонавий босқичда давлат стандарти билан белгиланади. Олий таълим стандарти кадрлар тайёрлаш, таълим мазмуни сифатига талабларни белгилайди.

Давлат стандарти меъёрий ҳужжатлари асосида олий мактабда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш йўллари белгиланади. Олий мактабда ўқитиш жараёни ижтимоий-педагогик қонуниятлар билан белгиланади ва ўқитиш ташкилий шакллари ва методлари турли-туман тизимлари доирасида амалга оширилади. Олий мактабда таълим мазмунини қайта ташкил қилиш: мутахассисларни тайёрлаш янги самарали шаклларини

ISSN: 2180-2130
VOL.1, ISSUE 1
MAY (2022)

излаш бевосита талабалар билим олиш фаолиятларини фаоллаштириш билан боғлиқ.

Билим олиш фаолияти назарий асосларини асослаш учун яқин шарқ ва Марказий Осиё қомусий олимларининг педагогик қарашлари муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим мазмунининг сифатини такомиллаштириш педагогикадаги бугунги кунда янги педагогик инновация йўналишисиз мумкин эмас. Олий мактабда инновацион жараёнлар инновацион хусусияти янгиликлар киритиш, ўқитувчилар касбий имкониятлари билан белгиланади.

Олий мактаб амалиётида тадбиркорлик ўйинларига алоҳида аҳамият берилади.

Унинг фикрича, тадбиркорлик ўйинларида машқ қилиш фаолияти ва бўлажак касбий фаолият модел ёки унинг прототипи, қайсидир суний ва табиий тизим сифатида ўзаро нисбатланади.

Тадбиркорлик ўйини янги технология сифатида моҳиятан қуйидагиларни билдиради:

• ишлаб чиқариш интигратсион модели сифатида тақдим етилган ўқув материал мазмунининг изчиллиги;

• ўйинли ўқув моделида келгусидаги касбий фаолияти таркибий қисмларини яратиш;

• ўқув жараёни тарзини билимларга эхтиёжларни туғдириш ва уларни амалда қўллашнинг реал шароитларига яқинлаштириш;

• ўзиннинг таълимий ва тарбиявий самарадорлиги йиғиндиси;

• ўйинни олиб борувчи ўқитувчининг талабалар фаолиятини ташкил етиш ва бошқаришидан талабаларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ташкил этиш ва

бошқаришга ўтишини таъминлаши.

А.С. ва Г.Ф. Арбеневлар тадқиқотларида тадбиркорлик ўйини мутахассиснинг евристик тафаккурини ривожлантиришнинг самарали методларидан бири сифатида баҳоланади.

АТюков фикрича, ҳар қандай ўйин қай тарзда лойиҳалаштирилишидан қати назар уларнинг ҳар бири қуйидаги талабларни бажариши лозим:

• мустақил ташкил этишга йўналганлиги;

• ўқитишнинг муаммолилиги;

• методологик, психологик ва техник жиҳатдан таъминланганлиги.

Ташкилий ўйин аслида тобора такомиллашиб борувчи ўқитишни таъминлаши керак.

Тадбиркорлик ўйинини тайёрлашнинг социал-психологик муаммоларига қуйидагилар киради:

• иштирокчиларни танлаш;

• ролларни тақсимлаш;

• ўйин раҳбарини ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;

• ижтимоий психология бўйича умумназарий билимларни эгаллаш;

• назарий билимларини амалда қўллай олиш;

• шахсий тайёргарлик.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ўйинларидан янги билимларни егаллаш, ўтилганларни мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш,

ISSN: 2180-2130
VOL.1, ISSUE 1
MAY (2022)

у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фақат ғоялар орасидаги боғланишларни фикрлашни таъминлаш имкониятини берадиган тузилмани аниқлаб олишни талаб қилади. У фикрлашнинг оддий шакли эмас, балки мия фаолияти билан зид боғланади.

Кластерларга бўлишдан ахборот чорлаш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. У муайян мавзу синчиклаб ўрганилгунча фикрлаш фаолиятини таъминлашда фойдаланилиши мумкин. Кластерларга бўлиш талабаларнинг тассавурларини янги боғланишлари ёки уларнинг график ифодалари кўринишларини таъминловчи сифатида ҳам ўтганликларини якунлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бу ўз билимларига, муайян мавзу тўғрисида тассавурига ва уни тушунишга йўл очадиган назардаги стратегиядир.

Кластерларга бўлиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

1. Ҳушингизга келган барча фикрларни ёзиб олиш. Бу фикрларни муҳокама қилманг, шунчаки ёзиб олаверинг.

2. Хатни (матнни) кечиктирадиган имло ва бошқа омилларга ҳам парво қилманг.

3. Сизга берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ёзишдан тўхтаманг. Миянгизга фикр келиши тўхтаб қолса, токи янги фикрлар келгунга қадар қоғозда нималарнидир чизиб ўтиринг.

4. Имкони борича, боғланиши мумкин бўлган ғояларни чизиб чиқинг. Ғояларнинг оқими сифати ва улар орасидаги алоқаларни чегаралаб қўйманг. Кластерларга бўлиш, Стил ва Стил (1991 )нинг таъбирича, бу жуда мосла-шувчан стратегиядир. Уни индивидуал тарзда ҳам гуруҳда ҳам қўллаш мумкин. Гуруҳ фаолиятида у гуруҳ ғояларининг тирговчи сифатида хизмат қилади. Бу эса талабаларни ҳар бир амалда бўлган боғланишларга, алоқаларга яқинлаштиради.

ISSN: 2180-2130
VOL.1, ISSUE 1
MAY (2022)

Замонавий меҳнат бозори назарий ва амалий кўникмаларга ега юқори малакали мутахассисларни талаб қилади. Шу муносабат билан бугунги кунда таълимнинг устувор мақсади талабалар учун нафақат кўникма ва билимларни тўплаш, балки талабани тайёрлаш ҳамдир. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида амалиётга йўналтирилган услуб ва технологияларни жорий этиш орқали ўқув фаолиятининг мустақил субекти сифатида қараш мумкин.

## ХУЛОСА

Олий таълимдаги ислоҳотлар замонавий босқичи демократик юксак ривожланган мамлакатлар даражасида Ўзбекистоннинг илғор илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга қодир ва маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга ега юксак малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашни талаб этади.

Мазкур мақолада педагогик технологияларни тизимлаштириш ва умумлаштиришга уринишлар ушбу муаммони ҳал этмайди. Таълим мазмунини янада такомиллаштириш олий мактабда ўқув жараёни янги технологик муаммоларни қўйишни ва ҳал етишни талаб этади. Ушбу мақола ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг оммабоп ва самарали усул кластерни тузишга қаратилади, унинг хусусияти танқидий фикрларни ривожлантиради. Танқидий фикрлаш, бу ўз навбатида инсон интеллектуал фаолиятининг асосий турларидан биридир. Ноананавийни қандай топишни билиш ва қарор қабул қилиш, ахборотни таснифлаш ва тартибга солишга обектив ёндашувни шакллантириш материални идрок этиш ва тушунишдир.

## Адабиётлар рўйхати

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя.

ISSN: 2180-2130
VOL.1, ISSUE 1
MAY (2022)

Ташкент, 2000.

2. Аллаёров И.А. Дидактические основы активного обучения управленчен-ским дисциплинам. — Ташкент: Фан, 1994.

3. Бешалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.- М.,

1995.

4. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. — М., 1989.

5. Бордовский Г.А., Извозчиков В.А. Новые технологии обучения: Вопросы

терминологии// Педагогика. — 1993.-№5.